Muzaffarkhon JONIYEV,
Basic doctoral candidate at the International Islamic Academy of Uzbekistan
jmuzaffarhan@gmail.com, 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
tel: +998974549095

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ-ҲИЖОЗ ҲАЖ ЙЎЛЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ЗНАЧЕНИЯ ПАЛОМНИЧЕСКИХ ПУТЕЙ «СРЕДНЯЯ АЗИЯ – ХИДЖАЗ» В XIX–XX ВЕКАХ.

SOCIO-ECONOMIC AND POLITICAL VALUES OF THE ROUTES OF THE PILGRIMAGE FROM CENTRAL ASIA TO THE HIJAZ IN EARLY NINETEENTH AND LATE TWENTIETH CENTURIES.

Калит сўзлар: *Ҳаж, Ҳижоз, Туркистон, Бомбей, Истанбул, Россия Империяси, Одесса.*

Ключевые слова: *Хадж, Хиджаз, Туркестан, Бомбей, Стамбул, Российская Империя, Одесса.*

Key words: *Hajj, Hijaz, Turkistan, Bombay, Istanbul, Russian Empire, Odessa.*

Ҳаж ибодати мусулмон киши учун ҳам жисмоний, ҳам молиявий мажбуриятларни талаб қилувчи ислом арконларидан бири саналади. Бугунги ривожланиб бораётган технология асрида ҳаж ибодати ва унинг машаққатлари анчагина қулайлашди. Фақат, ўрта асрларда йўлларнинг ноқулайлиги, транспорт воситаларининг камлиги сабабли ҳожилар оғир ва машаққатли шароитларда узоқ йўл юриб ҳаж ибодатини адо этар эдилар. Мазкур жиҳатларни эътиборга оладиган бўлсак, ўрта асрларда ҳаж йўллари зиёратчилар учун муҳим аҳамият касб этган. Денгиз транспорти ва темир йўл саноатининг ривожланиши натижасида XX аср бошларига келиб ҳаж йўлларидаги сафарлар ўтган асрларга қараганда анча қулайлашганини кўришимиз мумкин. Ушбу ривожланиш Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳам ҳаж сафарларига таъсир этмай қолмади. Туркистон Россия империяси томонидан мустамлака қилингач, ўлка мусулмонларининг ҳаж зиёрати ва йўлла-

Ислом динида мусулмонлар учун фарз амаллардан бири имконияти бўлганда Маккага бориб ҳаж қилишдир. Макка ва Мадинага ҳаж қилиш Ўрта Осиё мусулмонлари учун анча мураккаб бўлган, улар ўз вақтида ҳаж ибодатини амалга ошириш учун машаққатли йўлларни босиб ўтишларига тўғри келган. Ўрта Осиё мусулмонлари асрлар мобайнида оғир йўл машаққатларига қарамасдан ҳаж зиёратини амалга ошириб келганлар. XIX аср охирларида Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан мустамлака қилиниши ўлка мусулмонларининг ҳаж зиёратига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Империя ҳукумати учун Туркистон ўлкаси мусулмонларининг ҳаж зиёратини назорат қилиш нафақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий томондан ҳам муҳим аҳамият касб этар эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон мусулмонлари ҳаж зиёратига бориш учун асосан, Эрон ҳудудидан ўтувчи қуруқлик йўли, Афғонистон, Ҳиндистон ва Ҳинд океани орқали ўтувчи жанубий ва Истанбул орқали ўтувчи шимолий йўллардан фойдаланишган. Мақолада ушбу йўлларнинг ҳолати, транспорт нархлари, гузаргоҳ шаҳарлардаги ҳожихоналар, такялар ва меҳмонхоналар фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Россия империясининг Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати борасида олиб борган сиёсати, амалга оширилган маъмурий, тиббий чора-тадбирлар архив маълумотлари ва XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон матбуоти асосида тадқиқ этилган.

Одно из религиозных обязательств мусульман – хотя бы раз в жизни совершить паломничество в Мекку, если есть возможности. Паломничество хадж в Мекку и Медину было более сложным в осуществлении для мусульман Центральной Азии, и им приходилось путешествовать сложными дорогами, чтобы своевременно совершить хадж. Мусульмане Центральной Азии совершали хадж на протяжении веков, несмотря на серьезные трудности. К концу XXI века колонизация Центральной Азии Российской империей повлияла на паломничество мусульман в стране. Для правительства Империи контроль паломничества мусульман в Туркестане был важен не только по политическим причинам, но и экономическим.

В конце XIX - начале XX вв. паломники из Туркестана пользовались сухопутным маршрутом через Иран, морским южным маршрутом через Афганистан, Северную Индию и Индийский океан, а также северным путем через Стамбул. В статье анализируются расположение этих дорог, транспортные расходы, стоянки, хостелы для паломников, обители и гостинные дома. Также в статье на основе данных прессы XIX и начала XX веков рассматриваются политика Российской империи в отношении паломничества туркестанских мусульман, архивные данные о принятых административных мерах и обеспечении здравоохранения.

One of the religious obligations of Muslims is at least once in their lives to make a pilgrimage to Mecca as soon as possible. Pilgrimage in Mecca and Medina was more difficult for Muslims in Central Asia, and they had to travel through difficult roads to perform Hajj in time. Central Asian Muslims have performed the pilgrimage for centuries, despite serious difficulties. By the end of the 19th century, the colonization of Central Asia by the Russian Empire influenced the pilgrimage of Muslims in the country. For the government of the Empire control of Muslim pilgrimage in Turkestan was important both politically and economically. In the late XIX - early XX century pilgrims from Turkestan traveled the overland route through Iran, the southern sea route through Afghanistan, Northern India and the Indian ocean, and the Northern route via Istanbul. The article analyzes the location of these roads, transportation costs, hostels for pilgrims, obille and living at home. The article also discusses the policy of the Russian Empire in relation to the pilgrimage of Turkestan Muslims, archival data on administrative and medical measures taken based on the press of the XIX and early XX centuries.

рини назорат қилиш ҳукумат олдидаги бирламчи вазифалар сифатида қўйилди. Ўрта Осиёдан ҳажга бораётганларни имкон борича кўпроқ империя ҳудудидаги темир йўллар орқали боришга йўналтирилган.

XIX аср охири – XX аср бошларига қадар Россия империяси шарқий ҳудудларда темир йўллар қурганига қадар Туркистон мусулмонлари Ҳижоз зиёратини асосан Афғонистон ва Эрон ҳудудларидан ўтувчи карвон йўллари орқали амалга оширар эдилар. 1880–1885-йилларда Красноводск-Ашхобод темир йўлининг қурилиб ишга тушиши туфайли туркистонлик зиёратчиларнинг кўпчилиги Ашхобод, Красноводск, Боку, Тбилиси, Батуми, Трабзон, Самсун, Истанбул, Искандария, Қоҳира, Сувайш, Жидда орқали Маккага олиб борувчи йўлни афзал кўра бошладилар. Умуман олганда, XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё мусулмонлари асосан қуйидаги уч йўлдан фойдаланганлар:

Эрон-Ироқ ҳудудларидан ўтувчи қуруқлик йўли. Маълумки, қуруқлик карвон йўллари ўрта асрларда халқларни бир-бирига боғловчи муҳим восита вазифасини бажарган. Туркистон ва Ҳижозни ўзаро боғловчи қуруқлик карвон йўллари асрлар давомида Эрон ҳудудидан ўтиб келган. Эрон, Бағдод, Карбало ва Шом орқали Ҳижозга олиб борувчи ушбу қуруқлик йўли XVIII асрга қадар ҳожилар томонидан асосий йўл сифатида фойдаланиб

келинди. Кейинчалик Эрон ва туркман чўлларида қароқчи ва йўлтўсарларнинг ортиши натижасида ўрта осиёлик ҳаж карвонлари мазкур йўлдан камдан-кам ҳолларда фойдаланадиган бўлдилар [2; 276 б.]. Эрон ва Бағдод орқали ўтувчи мазкур йўлдан XIX аср охирларига келиб асосан ўрта осиёлик шиалар истифода этганларини ушбу даврга оид манбалардан билиб олиш мумкин. Жумладан, XIX аср охирида Бухоро илмий-адабий муҳитининг йирик намояндаларидан бири Раҳматуллоҳ Қори Возеҳ (1818-1894) ўзининг "Савонеҳу-л-масолик ва фаросиху-л-мамолик" (Йўллардаги ўй-фикрлар ва мамлакатлар масофалари) сафарномасида ҳаж сафари хотираларини келтиради. Ушбу сафарноманинг эътиборли томони шундаки, олим Ҳижозга боришда Бухоро, Чоржўй, Марв, Ашхобод, Красноводск, Баку, Батуми, Истанбул, Искандария, Қизил денгиз орқали Жидда, Макка, Мадина, қайтишда эса Шом, Нажаф, Карбало, Куфа, Козимайн, Бағдод, Кирмоншоҳ, Қум, Теҳрон, Нишопур, Машҳад, Сарахс, Марв, Чоржўй орқали эски йўлдан Бухорога қайтиб келган [7]. Олим сафарномасида Ҳижоздан қайтишда Ироқ ва Эронда жойлашган Карбало шаҳридаги "Ҳарами Ҳусайн", "Ҳарами Аббос ибн Али"[7; 105[а] б.], Нажафдаги "Ҳарами Мири Араб" [7; 108[а] б.], "Ҳарами Аскарин "[7; 117[б] б.], Козимайн шаҳридаги "Ҳарами Козимайн" [7;123[а] б.] ва Машҳад шаҳридаги "Ҳарами Имом Ризо" [7; 128[б] б.] каби қадамжоларни зиёрат қилганини катта таассуротлар билан ёзиб қолдирган. Кўпчилиги асосан шиа зиёратгоҳларидан иборат бу гузаргоҳлардаги зиёратчилар оқими ҳақида рус тадқиқотчиси А.М. Левин, Россия Империяси ҳукуматининг Бағдоддаги консулликлари Панафидин ва Машковнинг ҳисоботларига асосланиб мазкур шаҳарларда Россия Империясидан келганларнинг сони 10-15 минг орасида ўзгариб туришини қайд этади ва қуйидагиларни ёзади: "Эрон ва Ироқ орқали ўтувчи ҳаж йўлидаги зиёратчиларнинг аксар қисми Ҳиндистон, Эрондан келган шиалардан иборат бўлиб, Россия Империяси ҳудудларидан келган зиёратчиларнинг кўпчилиги Кавказ шиаларидир. Ўрта Осиёдан келган зиёратчилар эса жуда ҳам камчиликни ташкил этади. Зиёратчиларнинг сони шиаларнинг муқаддас ойлари бўлмиш "Ашуро" ва "Арбаин" диний маросимлари ўтказиладиган мавсумларда ортиб борган. Агар мазкур маросимлар куз ва қиш ойларига тўғри келса, зиёратчилар сони ортади, аммо ёз ойларига тўғри келса жазирама туфайли камаяди" [8; 2 б., 14; 35 б.].

Шу сабабли, Ўрта Осиёдан келган зиёратчилар сонини оз ёки кўплигини мазкур ҳолатга қараб олдиндан тахмин қилиш мумкин.

Туркистондан Афғонистон, Ҳиндистон ва Ҳинд океани орқали ўтувчи денгиз йўли. "Жанубий ҳаж йўли" сифатида маълум бўлган ушбу йўл ҳақида рус тадқиқотчиси А.Никольский қуйидагиларни ёзади: "Туркистонлик зиёратчиларнинг кўпчилиги Жиддага Ҳиндистон орқали борар эдилар. Бунинг энг асосий сабабларидан бири Бухородан Афғонистонга паспортсиз ўтиш мумкинлигидадир. Зиёратчилар Афғонистонга кириб борар экан, йўл-йўлакай Мозори Шарифда Ҳазрати Алининг мақбараси ва бошқа жойларни зиёрат қилардилар. Мозори Шариф, Тошқўрғон, Чорикор, Кобул, Ғазна, Қандаҳор ва Кветту шаҳрига қадар от-уловлари билан борган зиёратчилар Кветтудан йўловчи поездида Карачи портига борганлар. Карачидан пароходда Бомбей шаҳрига бориб, ушбу порт шаҳардан бошланган узоқ ва машаққатли денгиз йўли орқали Жидда шаҳри бандаргоҳларига келганлар. Афғонистон орқали ўтувчи ушбу жанубий йўл бошқа йўлларга қараганда нисбатан арзон, йўл бўйида катта шаҳарлар нисбатан камчиликни ташкил қилган. Шу сабабли зиёратчилар йўл-йўлакай Кветту шаҳрига қадар карвонсаройларда тунаб қолардилар ва бирор нарсага эҳтиёж сезсалар мусулмон мамлакатида қийинчиликка учрамас эдилар" [11]. Бу сафарнинг биргина машаққатли томони Туркистондан Афғонистон орқали (отда тахминан бир ойлик йўл) [15; 90 б.] Пешоваргача бўлган 1500 км. лик йўлни от-уловларда ёки яёв босиб ўтилишида бўлиб, Бомбейга қадар поездда, Бомбейдан Ҳижозга қадар эса, денгиз йўли орқали етиб боришган. Шунингдек, дастлабки йилларда ушбу йўл ҳожилар учун хавфли эди. Жанубий Афғонистоннинг тоғли минтақаларида яшовчи ҳазар уруғига мансуб қароқчилар ҳожиларни тинимсиз талон-тарож қилишган. Кейинчалик, афғон амири томонидан махсус фармон чиқарилиб йўлларда хавфсизлик қисман бўлса-да таъминланган.

1891 йилнинг июль ойи ўрталарида Когондан поездга ўтириб, Марв, Ашхобод, Боку, Батуми, Истанбул орқали ҳажга борган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат (1859–1909 йй.) сафардан қайтишда Ҳинд океани орқали Бомбейга етиб келади. Сафари давомидаги бутун хотираларини "Туркистон вилояти газети"да эълон қилган Фурқат Бомбейда асли туркистонлик бўлган Аҳмаджон ҳожи ва

Ҳожи Муҳйиддин исмли тижоратчилар туркистонлик зиёратчиларнинг параход ва поезд билетларини олишларига ёрдам бераётганликларини қайд этган. Шунингдек, улар ўз уйларида меҳмонхона ташкил этиб, туркистонлик ҳожиларнинг тунаб қолишлари учун ҳам хизмат кўрсатаётганларини баён қилиб ўтган [6; №10, 4 б.].

Ушбу йўлда ҳожилар дуч келадиган яна бир муаммо бу – Бомбей шаҳридаги фирибгар даллоллар эди. Фурқат мақоласида асли туркистонлик бўлган Сулаймонхўжа исмли бир фирибгар даллолнинг зиёратчиларга билет олиб бериш баҳонасида уларнинг пулларини алдов йўли билан олиб қўяётгани ва унга нисбатан Туркистон ҳукумати томонидан чора кўриш кераклиги ҳақида ҳам ёзган [6; №10, 4 б.].

XIX асрнинг охирларида Ҳиндистон йўлидан фойдаланувчи туркистонлик зиёратчиларнинг сони баъзан кўпайиб, баъзан камайиб турган.

Туркистон-Қора денгиз-Истанбул-Ҳижоз йўналиши. Ушбу йўналиш бошқаларига қараганда хавфсиз ва энг кўп истифода этиладиган бир йўл эди. Сибирь, Ўрта Осиё ва Ғарбий Россиядан келган зиёратчиларнинг аксар қисми Одесса ва Севастопол орқали Истанбулга борадиган параходларга чиқишни афзал кўрар эдилар. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондан ҳаж сафарига отланган зиёратчилар дастлаб темир йўл орқали Красноводскка, яъни, Каспий денгизи соҳилларига келиб, денгиздан параход воситасида Бакуга, у ердан поездда Ростов ва Одессага келар эдилар [10; 67 б.].

Шунингдек, Тошкентдан бошланадиган янги Туркистон темир йўлининг қурилиши натижасида Одесса, Севастополь, Феодосия, Батумигача темир йўл хизматидан фойдаланганлар. Россия Империяси имкон қадар зиёратчиларни Одесса ва Қора денгиз йўли орқали ўтказишга ҳаракат қилар эди. Чунки бу йўл орқали нафақат зиёратчиларни назорат қилиш имконини берган, балки давлат ҳазинасига яхшигина даромад келтирар эди. Бу даврда туркистонлик мусулмонлар ҳаж зиёратига боришлари учун хориж паспортларини олиши керак бўлган, бунинг учун эса чет элга чиқиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги ҳақида Туркистон генерал-губернаторлигининг полиция маҳкамасидан ҳужжат олишган [12; №116].

Хориж паспортини Туркистонда олмасдан Севастополь ёки Одессага келган киши ўзи яшайдиган уезд ва волостдан телеграмма билан рухсат ҳужжати олиши керак бўлган. Бундай қилганда киши ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютқизган, паспорт тайёр бўлишини ўша ерда икки ҳафта кутган ва бунинг учун 40-50 руб. сарфлаган. Агар Туркистоннинг ўзида хорижга чиқиш учун паспорт олинганда 17-18 руб. харажат қилинган бўлар эди [18; №35]. Хориж паспортини олмаган мусулмонлар Қора денгиз портларидан орқага қайтариб юборилган. Туркистон генерал-губернаторининг 1901 йил 23 январдаги буйруғига кўра, хориж паспорти берилганда ҳаж зиёратига борувчилардан Ҳижозга Қора денгиздаги Россия портлари орқали кетиш ҳамда шу йўл билан Феодосия ёки Батуми орқали келиш ҳақида тилхат олинган [16; №96].

Қора денгиз орқали ҳаж зиёратига борувчиларни ташиш ҳисобига Россия пароход жамиятлари катта фойда кўрар, бундай жамиятлар ўртасида рақобат мавжуд эди. Шунинг учун улар ҳаж сафарини ташкил этишни йўлга қўйишга ҳаракат қилган эдилар. Шу мақсадда бу жамиятлар Туркистон шаҳарларида ўз агентларига эга эди, улар йўловчиларни ўз пароходларида кетишга жалб қилиши керак эди. Саид Ғани Саид Азимбоев бу кўнгилли флотнинг Туркистондаги бош агенти эди.

Тошкентдан Одессагача зиёратчилар алоҳида вагонларда тўхталмаган ҳолда олиб борилган. Тошкентдан ҳафтасига уч маротаба, Самарадан ҳар куни иккинчи классли 2 та вагон юриб турган, бундан ташқари учинчи классли мингга яқин вагон мусулмонларни Одессага олиб борган, шу вагонларнинг 60 фоизи Тошкентдан, 20 фоизи Самарадан, қолганлари эса Қабулсой, Туркистон, Оренбург ва Пензадан жўнаган [16; №130]. Почта поездининг 1,2,3-классли вагонларида Одессага 8,5 суткада, товар поездининг 4-классли вагонида 12 суткада етиб борган [16; №41].

Туркистон шаҳарлари ва станцияларидан Одесса, Феодосия ва Батумигача учинчи класс вагони билетининг нархи 25 рублдан 28 рублгача бўлган [18; №35]. Саид Ғани Саид Азимбоев зиёратчилар ҳаракатига раҳбарлик қилган. Бу агентлик томонидан Тошкент станциясида мусулмонлар учун кичик бир вокзал ҳам очилган эди [16; №215].

1908 йилда Саид Ғани Саид Азимбоев Одессада ҳожихона ташкил этади. Ҳаж зиёратига борувчи мусулмонлар Одессада пароходга ўтирганларича фақат ушбу ҳожихонада яшаб туришларига рухсат берилган. Одесса генерал-губернатори генерал-майор Толмачевнинг буйруғига биноан,

Одессадаги меҳмонхоналар ҳамда уй эгалари ҳажга кетаётган мусулмонларга жой бериш учун ҳар сафар генерал-губернатордан рухсат олиши керак эди [16; №186]. Зиёратчилар Одессада фақат битта станцияда поезддан тушганлар ва уларни ҳожихонага агентлик вакиллари келиб олиб кетганлар. Ҳожихонадан улар жуда катта зарурат туғилгандагина ҳожихона тиббий ходими кўригидан ўтгандан сўнггина чиқиши мумкин бўлган [20; 73 б.].

Параходга чиқишдан олдин зиёратчилар шаҳар врачи, ҳожихона ва кема врачи томонидан тиббий кўрикдан ўтказилган. Бу буйруқни бузганлар уч ойгача қамоқ жазосига ҳукм қилинган ёки 3000 р. жарима солинган [16; №186].

XX асрнинг бошларида Одесса шаҳрида битта масжид ва мусулмонларга оид бир дона мактаб фаолият кўрсатаётган эди. Мусулмонлар шаҳарнинг турли қисмларида истиқомат қилар эдилар. Фақат шаҳар ичида маълум бир ҳудудда тўпланиб яшамаганликлари сабабли "Мусулмонлар маҳалласи" ҳам мавжуд эмас эди. Одессага ташриф буюрган аксар мусулмонларнинг турли юмушлари билан шаҳар имоми Собиржон Сафаров шуғулланар эди [13; 14 б., 9; 67 б.]. Шаҳарга ташриф буюрган меҳмонлар турли меҳмонхоналарда истиқомат қилар эдилар. Кўпинча Туркистондан борган мусулмонлар Одессада кўп қолишмас, етиб келган кунларидаёқ параходга ўтириб Қора денгиз орқали Истанбулга йўл олганлар. Одессада қолганлар эса кўпинча "Москва мусофирхонаси" номи билан машҳур бўлган меҳмонхонада қолганлар. Одесса марказида жойлашган ушбу меҳмонхона европача услубда қурилган 90 га яқин хоналарни ўз ичига олган ҳамда шаҳардаги бошқа кўплаб меҳмонхоналар орасида фақатгина мусулмонларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхона сифатида зиёратчилар учун алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур меҳмонхона хўжайини, ўз ишининг устаси сифатида катта эътибор қозонган Муҳаммад Ғози Байсов меҳмонлар томонидан доимо қадрланар эди [1; 211 б.].

Муқаддас шаҳарлар зиёратига отланган зиёратчилар Одесса шаҳридаги Усмонийлар консуллигидан "Истанбулдан Маккага қадар" иборали виза олар эдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий буни қуйидагича ифодалайди: "7 июнда Одисға кирилди… Нарсаларимни бир четга қўюб, тазкирани қўл қўйдурмоқ учун Туркия консулхонасиға бордим…" [9; 75 б.]. Баъзан зиёратчилар тушунмасдан Маккага қадар эмас Истанбулга қадар виза олиб қўйган бўлсалар, Россия Империясининг Истанбулдаги консуллигида қоғозбозлик билан боғлиқ кўпгина муаммоларга дуч келар эдилар. Шу билан бирга бунинг учун консуллик томонидан қўшимча тўловлар ҳам ундириб олинган. Баъзи содда зиёратчилар рус офицерлари томонидан қўрқитилиб, янада кўпроқ товон пули тўлашга мажбур қилинган [14; 46 б.].

Истанбул шаҳри туркистонлик мусулмонлар учун ҳаж йўлидаги муҳим нуқта ҳисобланган. Қора денгизнинг пишқирган тўлқинларидан толиққан зиёратчилар шаҳарда бироз дам олиб ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлар эдилар. XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонлик олимлар ҳамда зиёратчилар томонидан ёзилган ҳажнома, сафарнома ва ҳаж сафари эсдаликларида Истанбул хотиралари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий "Ойна" журналида эълон қилинган ўзининг "Саёҳат хотиралари" номли туркум мақолаларидан бирида Истанбул ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Эмди Истанбулға яқинлашурмиз. Атроф бутун парахўд, қайиқ. Бир тарафдан муқаддас жомеларнинг олтун ҳилол қўйилган ва қубба ва миноралари. Дигар тарафдан мармар кўшклар, подишоҳлик боргоҳлари бутун назарни ўзиға тортар. Қараган ила тўймайсан…" [9; 75 б.].

Туркистонлик зиёратчиларнинг барчаси ҳам Одесса орқали Истанбулга боришмаган. Баъзилар Каспий денгизидан кечиб ўтгач, Бокудан Тбилисига қадар тоғ йўлларини ошиб Қора денгизга чиқишган ва денгиз орқали Истанбулга етиб боришган. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларида ёзилган ҳажномалар сирасига кирувчи Мирза Олим Махдум Ҳожи Тошкандийнинг "Дар баёни роҳи ҳаж" (Ҳаж йўли баёни ҳақида) асарида айнан мазкур маршрут орқали Истанбулга етиб боргани баён қилинган.

Муаллиф асарида Қўқондан Макка шаҳригача, Қўқон, Бешариқ, Муҳаррам, Хўжанд шаҳри, Бекобод, Жом, Дизах (Жиззах), Янгиқўрғон мавзеси, Оқтепа мавзеси, Самарқанд, Довил мавзеси, Каттақўрғон, Чоршанба, Қарноб ота, Работи Малик, Бухоро шаҳри, Қоракўл, Чоржўй шаҳри, Марв, Ашхобод, Узунота мавзеси, Боку шаҳри, Тбилиси, Батуми, Трабзон, Самсун, Истанбул, Искандария, Қоҳира, Сувайш, Жидда, Идда мавзесидан ўтиб, Макка шаҳрига кириб борган [10; 154[б]-162 б.].

Мирза Олим Махдум сафари давомида қўниб ўтган Марв, Ашхобод, Боку, Тбилиси, Батуми, Истанбул каби шаҳарларнинг чиройи, ижтимо-

ий-иқтисодий ҳолати ва тарихи ҳақида қисқа бўлса-да, маълумотлар келтириб ўтади. Жумладан, муаллиф Истанбулни соҳилларига бир кунда юз кема кириб, юз кема чиқадиган гавжум шаҳар сифатида таърифлайди. Истанбулдаги маҳобатли кўприк ҳақида ёзар экан, уни қуйидагича ифодалайди: "Истанбулда бир кўприк бор экан, узуни бир минг қадам, энидан уч араба юрур экан. Ушбу кўприкдан ҳар куни олти юз тилло даромад бўлур экан. Арабадан бир танга, отлиқдан ярим танга, пиёдадан олти пул олур экан" [10: 157[а-б] б]. Усмонийлар султонлигининг пойтахти бўлмиш Истанбул шарқдан ва шимолдан келаётган мусулмонлар учун асосий марказ вазифасини бажарган. Ҳижозга олиб борувчи йўл Истанбулдан қуйидаги йўналишларга бўлиниб кетган эди:

а) Истанбул, Бурса (баъзи зиёратчилар Бурсада қолмасдан Истанбулдан денгиз йўли орқали Измирга боришган), Измир, Ўрта Ер денгизи ороллари (Родос ва Кипр), Байрут, Шом, Байрут, Яффа, Қуддус, Искандария, Қоҳира, Қизил денгиз, Жидда, Макка ва Мадина. Баъзи зиёратчилар Ҳижозга боришдан аввал йўл-йўлакай Қуддус шаҳрини ҳам зиёрат қилиб ўтишган. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам Қуддус шаҳрини зиёрат қилиб, Ҳижозга айнан ушбу йўл орқали борган [9: 130-140 б.].

б) Истанбул, Эгей денгизи, Ўрта Ер денгизи, Искандария, Қоҳира, Қизил денгиз, Янбу, Жидда, Макка ва Мадина.

с) Истанбул, Измир, Ўрта Ер денгизи ороллари (Родос ва Кипр), Байрут, Яффа ва Дамашқдан бошланиб, Амман, Маъан, Табук, Мадоини Солиҳ шаҳарларидан ўтувчи Ҳижоз темир йўли орқали Мадина шаҳрига етиб борганлар.

Ҳожилар оқимининг кескин ортиши натижасида ҳаж йўлларидаги шаҳарларда зиёратчилар ва Усмонийлар султонлиги маблағлари ҳисобидан ўзига хос мусофирхона ёки ҳожихона вазифасини бажарган такялар иншо этилган. Ушбу хонақоҳларда йўловчилар учун ҳам маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан хордиқ чиқариш учун имконият яратилган эди. Мазкур хонақоҳлар орасида ҳинд, афғон, қозонлик ва эронликлар хонақоҳлари билан бир қаторда ўзбек хонақоҳларини ҳам учратиш мумкин. Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Миср шаҳарларида фаолият юритган ўзбек такяларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Истанбул шаҳрининг Султонтепа мавзесидаги ўзбек такяси
2. Истанбул шаҳрининг Булбулдара мавзесидаги ўзбек такяси
3. Истанбулнинг Меҳмет Пошо Ёкушу маҳалласидаги ўзбек такяси
4. Истанбулнинг Айюб мавзесидаги ўзбек такяси
5. Истанбулнинг Бейларбейи мавзесидаги ўзбек такяси
6. Истанбулнинг Кадирга портидаги ўзбек такяси
7. Кичик Осиёнинг Адана шаҳридаги ўзбек такяси
8. Кичик Осиёнинг Антакя шаҳридаги ўзбек такяси
9. Кичик Осиёнинг Бурса шаҳридаги ўзбек такяси
10. Қуддус шаҳридаги Бухоро ўзбек такяси
11. Бағдоддаги ўзбек такяси
12. Ҳалабдаги ўзбек такяси
13. Қоҳирадаги Хожагон ўзбек такяси
14. Жиддадаги ўзбек такяси

Мазкур такялар нафақат диний, балки ижтимоий, сиёсий жиҳатдан тарихда муҳим рол ўйнаб келган. Хусусан, сиёсий-дипломатик жиҳатдан фаол хонақоҳлар асосан Истанбул шаҳрида жойлашган [4; 239 б.].

Умуман олганда параходда Феодосия-Ҳижоз-Феодосия билет нархлари биринчи класс учун 250 руб., иккинчи класс 200 руб. ва 3 класс 100 руб. турган [19; 113 б.]. Параходнинг барча класс йўловчилари учун осма каравот, бепул совуқ ва иссиқ сув, шунингдек таҳорат қилинадиган жой ажратилган ҳамда овқат пишириш учун керакли жиҳозлар олишларига рухсат берилган. Ҳижоздан Феодосиягача ҳожилар параходда 10-12 кунда етиб келишган.

Қайтиб келган ҳожилар Россия портлардаги карантин пунктларидан ўтишган ҳамда улар тиббий муҳофаза мақсадида ҳаммомда чўмилишган ва уларнинг кийимлари ҳамда бошқа юклари дезинфекция қилинган, ҳаммомга киришда уларга аврат жойларини беркитиш учун сочиқ берилган. Дезинфекциядан ўтилгани ҳақидаги белги паспортда қайд этилган, агар бундай белги бўлмаса тиббий тадбирлардан бош тортган киши сифатида ҳожи яшайдиган жойида қонун бўйича жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган эди [16; №96].

Туркистон генерал-губернаторлиги уезд ва полиция бошлиқларига ҳаж зиёратчиларига берилган паспорт миқдорини қаттиқ назорат остига олиш ва-

зифаси юклатилган эди. Ҳожилар сафардан келгандан кейин паспортларини жойлардаги маъмурий бошқармаларга топширишган [19; 116 б.].

Лекин ҳожилар баъзи вақтда Жидда-Бомбей параходига билет арзон бўлгани учун Ҳиндистон ва Афғонистон орқали ҳам ҳаж сафаридан қайтганлар [19;116 б.].

1898 йилдаги Дукчи Эшон қўзғолонидан кейин чор ҳукумати жазо тарзида Маккага боришни тақиқлаб қўйган. 1900 йилда бундай тақиқлаш бекор қилинган ва фақат Фарғона вилоятининг ўзидан 10.000 киши ҳажга кетган эди [5; 139 б.].

Ҳаж зиёратига борувчилар сони 1913 йилга келиб, охирги ўн йилликка нисбатан икки баравар ошган ва ҳар йили 50.000 туркистонлик мусулмонлар Макка ва Мадинага ҳаж зиёратини амалга ошириб қайтар эдилар. Бу зиёрат учун бир киши энг камида 600-700 р., бойлар эса 3000 р. атрофида пул сарфлашган [16; №128].

Туркистон генерал-губернаторлигидан ҳажга борувчиларнинг энг асосий муаммоларидан бири бу хорижга чиқиш паспорти муаммоси эди. Кўпчилик зиёратчилар губернаторлик томонидан ишлаб чиқилган паспорт олиш жараёнидаги ортиқча қоғозбозлик жараёнларини хушламас эдилар. Бу борада Бухоро амирлигида бошқа жойларга қараганда аҳвол дурустроқ эди. Бухородаги сиёсий агентлик маълумотларига кўра, ўрта осиёлик ҳожилар ичида бухоролик фуқароларнинг паспортсизлари фоиз ҳисобида энг кам бўлган. Бунинг сабаби эса уларда Туркистон мусулмонларига қараганда бу соҳада иш яхши йўлга қўйилган. Россиянинг бошқа жойларига нисбатан уларда хорижий паспорт олиш осон кечар ва арзонга тушар эди. Муқаддас жойларга зиёратга кетувчилар Бухоро қушбегисига мурожаат қилар, у ерда эса зудлик билан билетлар берилган ва 1 руб. 20 коп. олинган. Бундан сўнг мазкур билетлар эгалари ёки қушбеги маъмурлари томонидан сиёсий агентликка кўрсатилган, улар ҳам ўз навбатида ўша куниёқ рухсат берилган ва ҳар бир виза учун 2 руб. 50 коп. (олтин пул ҳисобига 1 сўм 50 тийин) [17; 67 б.].

XIX аср охири – XX аср бошларида ҳаж сафарини амалга оширган мусулмонлар ичида аёллар ҳам бўлиб, масалан, 1897 йилда бухоролик 165 нафар эркак ва 10 нафар аёл Батумидан Бокуга келган эди. 1903 йилда "Закаспийское обозрение" газетасида ёзилишига қараганда, Красноводск шаҳрига 300 туркистонлик мусулмон ҳаж сафаридан қайтиб келган эди, уларнинг 15 нафари аёллардан иборат эди [19: 117 б].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида туркистонлик мусулмонларнинг ҳаж зиёратини амалга ошириши давлат томонидан ташкиллаштиришга ҳаракат қилинган ва бундан бир неча мақсадларни кўзланган эди. Биринчидан, мусулмонлар устидан назорат ўрнатишни кучайтириш ҳамда давлатга қарши кайфиятларнинг олдини олиш, туркчилик ва исломчилик ғояларининг тарқалишига йўл қўймаслик, иккинчидан, давлат хазинасига ҳаж зиёратига борувчилар ҳисобидан маблағ тўплашни, учинчидан аҳоли орасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишни мақсад қилган эди. Темир йўл қурилиши билан ҳаж зиёратига бориш ишлари бироз тартибга туширилган эди. Ҳаж зиёратига отланган мусулмонлар Россия портларигача темир йўл орқали борган бўлса, Ҳижозгача сув йўли орқали кетишган. Ҳаждан қайтишда ҳам асосан шу йўллардан фойдаланишган, лекин йўл ҳақининг қиммат бўлгани учун ҳожилар баъзида Ҳиндистон ва Афғонистон орқали ҳам қайтишга мажбур бўлганлар. Умуман олганда темир йўлларнинг қурилиши, денгиз йўли транспортининг ривожланиши натижасида Ҳиндистон орқали ўтувчи жанубий ва Қора денгиз орқали ўтувчи шимолий йўллар XX асрнинг 20-йилларига қадар ўз аҳамиятини йўқотмади. Қуруқлик йўли бўлган Эрон орқали ўтувчи йўл эса шиа оқимига мансуб зиёратчиларни ҳисобга олмаганда, суннийлар томонидан камдан кам ҳолларда истефода этилар эди.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fatih Karimiy. Istanbul Mektupleri. – Istanbul, 2011.
2. ÖZCAN, A. Nadir Şah, DİA, XXXII. – İstanbul, 2006.
3. Öztürk S. Hicaz Demiryolu, tam metin adresi: http://www.akintarih.com/turktarihi/osmanli/hicazdemiryolu.html
4. Tanman M.Baha. Tekkeler. İstanbul Ans. – İstanbul. 1994.
5. Nalivkin V.P. Tuzemsi ranshe i teper. – Tashkent, 1913.
6. Zokirjon Xolmuhammad o'g'li Furqat. Sayohat xotiralari. Turkiston viloyati gazeti. – Toshkent. 1892. №10.
7. Qori Rahmatulloh Vozeh. Savonehu-l-masolik va farosixu-l-mamolik. O'zR FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmasi. Asosiy fond, inv. № 2106.

8. Levin A.M., Palomnichestvo russkix musulman s sanitarnoy tochki zreniya. – SP. 1898. –
9. Mahmudxo'ja Behbudiy. Tanlangan asarlar, Sayohat xotiralari. – T.: Ma'naviyat, 1999.
10. Mirzo Olim Maxdum hoji. Dar bayoni rohi haj. O'zR FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmasi. Asosiy fond, inv. № 9373/III.
11. Nikolskiy M.E. Palomnichestvo musulman v Mekku: http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/Arabien/XX/1900-1920/Nikolskij/text1.phtml?id=5325
12. Palomnichestvo / Turkestanskiy kuryer. 1913.
13. Riza Gali. Hajilarga refiyk yaxud hajilarnin aldandiklarini beyan ve aldanmaencha yererge tugri tarik'. Elektro-tipografiya. Urnek. – Kazan. 1909.
14. Sibgatullina A. Kontakti tyurok-musulman Rossiyskoy i Osmanskoy imperiy na rubeje XIX-XX vv. –M.: Istok. 2010.
15. Tosheva Sh. Markaziy Osiyo hojilari: yo'llar va taassurotlar // Sharqshunoslik. – Toshkent, 2009. №14.
16. Turkestanskiyvedomosti. – Tashkent, Kanselyariya Turkestanskogo general-gubernatora. 1870-1917.
17. O'zR MDA, 1-fond, 4-ro'yxat, 257-ish.
18. Hojilarga rahbar / Sadoi Farg'ona. – Farg'ona. 1914. №35.
19. Shadmanova S. Iz istorii palomnichestva sredneaziatskix musulman (kones XIX – nachalo XX vv.). Mir islama. Materiali mejdunarodnoy islamovedcheskoy nauchnoy konferensii. -M.: RGGU, 2009.
20. Shadmanova S. Markaziy Osiyo musulmonlarining Makkaga haj ziyorati tarixidan (XIX asr oxiri – XXI asr boshlari)// O'zbekiston tarixi. – Toshkent, 2011. – №1.